SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/4 (3) - 2023

# ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

# АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

# ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL

**ISSN:** 2181-1342 (Online)

**Сайт:** https://scienceproblems.uz

**DOI:** 10.47390/SP1342V3SI4Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

***№ S/4 (3) – 2023***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2023**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич –филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа октори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

**Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

## *МУНДАРИЖА*

## 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Аббасов Беҳзод Бахтиёрович*
1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ БОШЛАНИШИ ........ 10-21

*Бабаджанов Хасан Бахтиёрович*
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ ........ 22-27

*Саидбобоева Гулзора Нематжоновна*
ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ........ 28-36

*Rasulov Ma'murjon Foziljonovich*
O‘ZBEKISTONDA XALQARO SAYYOHLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS OBYEKTLARINING O‘RNI ........ 37-42

*Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна*
А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ ........ 43-51

*Esonov Ziyodbek Yuldashevich*
FARG‘ONA VODIYSI QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN ........ 52-58

*Фарманова Гульнара Комилевна*
ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА АФРАСИАБЕ ........ 59-65

*Turaev Sherzod Gulboy ugli*
DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN OASIS IN B.H. KARMISHEVA RESEARCH ........ 66-71

*Сотиболдиев Ғайратжон Отамирзаевич*
ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР ........ 72-78

*Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich*
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ........ 79-90

*Абдуллажанова Нигорахон Турдалиевна*
БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН ........ 91-95

*Дониёров Носиржон Абдухолиқ ўғли*
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН ........ 96-102

## 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқулова*
ИСЛОМИЙ СУҒУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ........ 103-109

*Фозилов Умид Закирович*
БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ ........ 110-118

*Shoyev Davronbek Axmadjonovich*
BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA "MENEJMENT LABORATORIYASI"NI TASHKIL QILISHNING O'RNI ........ 119-125

*Орзуқулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи*
ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ ........ 126-133

*Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur*
O'ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONIYATLARI ........ 134-139

*Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o'g'li*
YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI ........ 140-146

*Ёдгорова Шахноза Хайридиновна*
ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ ........ 147-155

*Qurbonov Ma'murjon G'ayrat o'g'li*
ASOSIY ISHLAB CHIQARISH KO'RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI ........ 156-166

*Nurullayev Hoshimjon Hamidovich*
BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O'ZBEKISTON TURIZMI RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI ........ 167-172

*Маматов Бахадир Сафаралиевич*
РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ ........ 173-188

*Ғойипназаров Санжар Баходирович*
ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........ 189-195

*Садинов Азиз Зиядуллайевич*
ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........ 196-203

*Қурбонова Рахима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Хакимов Дамир*
ИЖТИМОИЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ ........ 204-216

*Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Muxammadqodir Muzaffar o'g'li*
YASHIL IQTISODIYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSIYALARNI YO'NALTIRISH ZARURIYATI ........ 217-222

*Исломов Алишер Бахтиёр ўғли*
БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ........ 223-229

*Agzamova Nargiza Gapurovna*
SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN ..... 230-237

*Муродова Дилноза Чориевна*
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ ........ 238-245

*Khodjaeva Shodiyabonu Abitdjanovna*
QISHLOQ XOʻJALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING FUNKSIYALARI ........ 246-250

## ***09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ***

*Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна*
МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ ЎРНИ ........ 251-259

*Ibroximov Sarvar Moʻydinjon oʻgʻli*
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA OʻQITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI TAKOMILLASHTIRISH ........ 260-265

*Yuldashev Ibroxim Toʻychiyevich*
MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SAN’ATINING ADABIYOT BILAN OʻZARO UYGʻUNLIGI VA GʻOYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING MUSHTARAKLIGI ........ 266-271

*Khamdamova Sitora Safarovna*
MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING OʻZIGA XOSLIGI ........ 272-277

*Абдуллаев Джасур Абдиваит ўғли*
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО ЧЕЛОВЕКА ........ 278-283

## ***10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ***

*Xasanov Akbarjon Abdurashidovich*
OʻZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK BIRLIKLAR BOʻYICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR ........ 284-292

*Qurbonova Muharram Jurabekovna*
XURSHID DAVRON SHE’RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI ........ 293-297

*Сафарова Замира Рустамовна*
ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК ТАСНИФИ ........ 298-304

*Gubaydullin Artur Faridovich*
THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS' .... 305-313

*Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi*
ETEL LILIAN VOYNICHNING “SO‘NA” ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ... 314-318

*Seytnazarova Injayim Erjanovna*
TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDALMALARNING USLUBIY QO‘LLANILISHI ... 319-325

*Асадова Дилбархон*
ЎРХОН ПАМУҚНИНГ “ҚОРА КИТОБ” РОМАНИДА “ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ” МОТИВИ ..... 326-342

*Khusanov Eldor Davlat o‘g‘li*
BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALARINING O’XSHASH VA FARQLI JIHATLARI ... 343-348

## *12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР*

*Утемуратов Махмут Ажимуратович*
ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ ... 349-355

*Шымбергенова Улзада*
ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ... 356-362

*Полвонов Нажмиддин Аслиддинович*
ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ ... 363-372

*Мирзаев Шухрат Шавкатович*
КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ ... 373-382

*Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли*
“ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ” ... 383-392

*Махмудов Суннат Азим ўғли*
ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ... 393-399

## *13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ*

*Farrux Axmedov*
XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH ... 400-409

*Музафарова Саодат Хайдаровна*
ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ ... 410-415

*Xaydarova Iroda Nizomiddinovna*
BO'LAJAK INGLIZ TILI O'QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI NAZARIDAN 2020-2021 O'QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ... 416-421

*Шукурова Нафиса Алишеровна*
ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ ... 422-427

*Nigmanov Bori Botirovich*
FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI O'YINLARNING AHAMIYATI ... 428-433

*Муродова Дурдона Раимжон қизи*
БЎЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ ... 434-438

*Axmedov Alisher Nosir o'g'li*
ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOYILLARI ... 439-447

*Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi*
BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUG'LASH MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI ... 448-452

*Mansurbekova Feruza Gayratovna*
BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI ... 453-456

*Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna*
O'QITUVCHI MEHNATNI ILMIY ASOSDA TASHKIL ETISH YO'LLARI ... 457-465

*Atamuratova Munira*
O'ZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJIY TIL SIFATIDA O'QITISHDA MADANIY ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL METODLAR TAVSIFI ... 466-471

*Нурилло Эминов*
ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА БИР НАЗАР ... 472-476

SCIENCE PROBLEMS.UZ

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ S/4 (3)-2023.**
**ISSN: 2181-1342 (Online)**
**https://scienceproblems.uz**

*08.00.00-Иқтисодиёт фанлари*

**Ғойипназаров Санжар Баходирович**
и.ф.ф.д.(PhD), доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети
"Инсон ресурсларини бошқариш кафедраси" мудири,
Тел: +998999744822, Email: s.goyipnazarov@tsue.uz
ORCID:ID:0000-0002-8818-5251

## ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Аннтоация.** Ушбу мақолада сунъий интеллектни жорий этиш шароитларида инсон капиталини рақамли ривожлантириш драйверларининг институционал жиҳатлари тадқиқ этилган бўлиб, бу жараёнининг барча иштирокчилар - инсонларни юқори малакали касбларни танлашга ундовчи меҳнат бозори, рақамли иқтисодиёт шароитидаги технологик муҳитни ташкил этувчи саноат; мақсадли компитенциялар асосидаа юқори сифатли капитални шакллантириш учун зарур бўлган таълим муҳити; инсон капиталининг ишлаши ва рақамли ривожланиши учун ижтимоий муҳитни ташкил этувчи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот тизимларининг ўзаро таъсири кўриб чиқлган ҳамда бу бўйича илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** инсон капиталини рақамли ривожлантириш, инсон капиталини рақамли ривожлантириш драйверларининг институционал модели, сунъий интеллект, рақамли инсон капитали, капиталини рақамли ривожлантириш механизми.

**Гойипназаров Санжар Баходирович**
к.э.н., доцент, Ташкентский государственный экономический университет,
Заведующий кафедрой управления человеческими ресурсами
Телефон: +998999744822, Электронная почта: s.goyipnazarov@tsue.uz

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЙ МОДЕЛИ ДРАЙВЕРОВ ЦИФРОВОГО РАЗВИТИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА

**Аннтоация.** В данной статье исследуются институциональные аспекты драйверов развития цифрового человеческого капитала в условиях внедрения искусственного интеллекта. Также в статье рассмотрены все участники процесса цифрового развития человеческого капитала - рынок труда, стимулирующий людей к выбору высококвалифицированных профессий, отрасли, формирующие технологическую среду в условиях цифровой экономики; образовательная среда, необходимая для формирования качественного капитала на основе целевых компетенций; изучено взаимодействие систем здравоохранения и социального обеспечения, формирующих социальную среду функционирования и цифрового развития человеческого капитала, и в этой связи разработаны научно обоснованные рекомендации и предложения.

**Ключевые слова:** цифровое развитие человеческого капитала, институциональная модель драйверов цифрового развития человеческого капитала, искусственный интеллект, цифровой человеческий капитал, механизм цифрового развития капитала.

**Goyipnazarov Sanjar Bakhodirovich**
Ph.D., Associate Professor, Tashkent State University of Economics
Head of the "Department of Human Resources Management",

Phone: +998999744822, Email: s.goyipnazarov@tsue.uz

## IMPROVING THE INSTITUTIONAL MODEL OF THE DRIVERS OF DIGITAL DEVELOPMENT OF HUMAN CAPITAL

**Abstract.** This article explores the institutional aspects of the drivers of digital human capital development in the context of the introduction of artificial intelligence. Also, in the article, all the participants of the process of digital development of human capital - the labor market that encourages people to choose highly qualified professions, the industry that creates the technological environment in the conditions of the digital economy; educational environment necessary for the formation of high-quality capital based on target competencies; the interaction of healthcare and social security systems, which form the social environment for the functioning and digital development of human capital, has been studied, and scientifically based recommendations and suggestions have been developed in this regard.

**Keywords:** digital development of human capital, institutional model of the drivers of digital development of human capital, artificial intelligence, digital human capital, mechanism of digital development of capital.

DOI: https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N23

**Кириш.** Жаҳонда сўнги 120 йил мобайнида ишлаб чиқаришда жисмоний меҳнатнинг салмоғи 90% дан 10% га камайган. Яқин йиллар ичида эса ушбу кўрсаткич 5% га тушиши прогноз қилинмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2022 йил ҳолатига жаҳон миқиёсида умумий интеллектуал меҳнат таркибида сунъий интеллектнинг улуши 10 фоизни ташкил қилди. 2025 йилга бориб жаҳонда сунъий интеллектнинг ҳажми 23 триллион АҚШ долларига етиши кутилмоқда. Унинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши ҳозирги 17,1 фоиз дан 24,3 фоизга ошади [1]. Сунъий интеллектни жорий этиш шароитларида капиталга таянган иқтисодиёт ўрнини "истеъдодлар иқтисодиёти" эгаллай бошлашини ҳисобга олсак, айнан инсон капиталини рақамли ривожлантиришга устуворлик берилишининг зарурати ойдинлашади. Бундай шароитда меҳнатга лаёқатли аҳолини, биринчи навбатда, ёшларни янги технологик даврда яшаш ва меҳнат қилишга тайёрлаш ҳамда рақамли кўникмаларини доимий ривожлантириб бориш муҳим аҳамият касб этади [2].

Рақамли технологияларнинг ривожланиши ва сунъий интеллектнинг жорий этиш рақамли кўникмаларни шакллантиришга туртки бериши ва натижада инсон капиталини рақамли ривожлантириш салоҳиятини ошириши билан боғлиқлигини асослаш тадқиқотимиз мақсадларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан биз сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини таҳлил қиламиз, бу эса инсон капиталининг рақамли ривожлантиришга бошқача тарзда устувор аҳамият бериш имконини беради.

Инсон капиталининг потенциал имкониятлари, биринчи навбатда, инсон ҳаётининг ҳар бир босқичлари(оила институти, ижтимоий ва касбий институтлар)да инсон капиталини ривожлантириш шартларини белгилайдиган институционал муҳитга боғлиқ. Шу боис, инсон капиталини рақамли ривожлантиришнинг асосий функциялари турли институтлар (маълум бир институционал тизимга хос бўлган таъсир этувчилар), технология (жамият ва иқтисодиётдаги технология ва инновациялар даражаси), таълим (ҳаёт давомида таълим олиш муҳити), соғлиқни сақлаш (соғлиқни сақлаш тизимининг сифати ва фаол ҳаёт тарзининг давомийлиги),

жамоат фаровонлиги (ижтимоий ва шахсий фаровонлик даражаси) каби ўзгарувчиларни ўз ичига олади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Сунъий интеллектни жорий этиш шароитларида инсон капиталини ривожлантириш ва меҳнат бозорининг трансформациясига оид тадқиқотлар соҳанинг етук олимларидан К.Абдурахмановнинг “Сунъий интеллект – барқарор иқтисодий тараққиёт асоси” деб номланган илмий асарида ўз ифодасини топган [3]. Айнан инсон капиталини рақамли ривожлантириш драйверларининг институционал асосларини услубий жиҳатдан тадқиқ қилиш россиялик олим Е.Ширинкинанинг илмий тадқиқот ишида ўз аксини топган. Муаллиф ўз илмий асарида  ташкилотларда инсон капиталини ривожлантишнинг турли институтларнинг ўзаро ҳамкорлиги нуқтаи назаридан асослайди [4]. Яна бир россиялик олим Н.Р.Кельчевская корхоналарда инсон капиталини рақамли ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар гуруҳини тизимлаштириб, рақамли муҳитда ҳар бир омилнинг инсон капиталини ривожланишига қандай таъсир қилиши мумкинлигини тадқиқ қилган [5]. Тадқиқот давомида қайд этилган мулоҳазалар ва илмий қарашлардан келиб чиқан ҳолда инсон капиталининг рақамли ривожлантиришнинг институционал моделини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу бизга инсон капиталини рақамли ривожлантириш жараёнини ундаги иштирокчилар (турли институтлар)нинг ўзаро ҳамкорлигини бирлаштириш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш имконини беради.

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур тадқиқотда бир қатор онлайн маълумотлар базаларидаги илмий манбаларда ўз аксини топган рақамли иқтисодиёт ва сунъий интеллектни жорий этиш шароитларида инсон капиталини рақамлиривожлантиришнинг ўрни ва аҳамиятини асослаш ҳамда инсон капиталини рақамли ривожлантириш драйверларининг институционал масалаларига таалуқли эмпирик ва концептуал тадқиқотлар ўрганилди ва улардаги илмий ёндашувлар тизимлаштирилди. Шунингдек, тадқиқот ишида тизимли таҳлил, мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, монографик таҳлил ва гуруҳлаш усуллари қўлланилди.

**Таҳлил ва натижалар**. Инсон капиталини рақамли ривожлантиришда институционал тизим ҳал қилувчи рол ўйнайди. Инсон капиталининг натижавийлиги ушбу тизим қандай қурилганига ва қайси асосий институтлар институционал жараёнларнинг йўналишини белгилаб беришига боғлиқ. Шу ўринда инсон капиталини рақамли ривожлантириш тушунчасига изоҳ бериб ўтишни жоиз деб билдик. Инсон капиталини рақамли ривожлантириш – бу рақамли технологиялар ва сунъий интеллект ёрдамида инсон капиталини баҳолашнинг янги усулларига асосланган ҳолда ижтимоий хизматларни рақамлаштириш ва рақамли компетенцияларни ошириш асосида инсон капиталини ривожлантириш деб талқин қилиш мумкин. Рақамли иқтисодиётда асосий рол ривожлантириш институтларига, шунингдек, иқтисодий агентларнинг инновацион ўзгаришларни қабул қилишига, уларнинг потенциал имкониятларини очиб беришга ҳисса қўшадиган институтларга юкланган.

Тадқиқот давомида қайд этилган мулоҳазалар ва илмий қарашлардан келиб чиқан ҳолда инсон капиталининг рақамли ривожлантиришнинг институционал моделини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу бизга инсон капиталини рақамли ривожлантириш жараёнини ундаги иштирокчилар(турли институтлар)нинг

ўзаро ҳамкорлигини бирлаштириш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш имконини беради. Стратегик нуқтаи назардан инсон капиталининг рақамли ривожлантириш драйверларнинг институционал модели 1 - расм расмда кўрсатилган.

1. Одамларни юқори малакали касбларни танлашга ундаш учун зарур бўлган бозор муҳитини шакллантирувчи меҳнат бозори институти.

2. Рақамли технологияларни жорий этувчи корхоналар ва технологияларнинг ўзини бирлаштирувчи экотизим сифатида технологик муҳитни ташкил этувчи саноат.

3. Зарур мақсадли компетенцияларга эга юқори сифатли инсон капиталини яратиш учун таълим муҳитини шакллантирувчи таълим тизими.

4. Инсон капиталининг ишлаши ва рақамли ривожланиши учун ижтимоий муҳитни ташкил этувчи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот тизими.

Инсон капиталини рақамли ривожлантиришнинг тақдим этилган институционал моделга мувофиқ, инсон капиталини рақамли ривожлантириш қуйидаги драйверларнинг ўзаро таъсири билан белгиланади.

1. Рақамли билим ва кўникмаларга оммавий талабни рағбатлантирувчи драйверлар:

- саноат ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини рақамли ривожлантириш;
- саноат тармоқларини рақамли воқеликка мослаштириш ва илғор рақамли технологиялар ва бизнес моделларини синовдан ўтказувчи пилот лойиҳаларни тартибга солиш тартибини соддалаштириш мақсадида уларни рақамли ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш;
- автоматлаштириш, сунъий интеллект ва рақамли бизнес моделлари соҳасида фундаментал тадқиқотлар ўтказиш бўйича тадқиқот марказларини ривожлантириш;
- ишни ташкил этиш шаклининг аниқ белгиланган позициялардан лойиҳа ишига ўзгариши, иш жараёнлари функциялардан кўра кўпроқ аниқ лойиҳаларга асосланади;
- бандлик тузилмасини ўзгартириш, чунки рақамлаштириш анъанавий ва мустақил меҳнатни уйғунлаштирган ҳолда мустақил иш ёки гибрид бандликка ўтишни сезиларли даражада осонлаштиради;
- автоматлаштирилган меҳнат улушининг ортиши билан иш жойининг ўзгариши;
- рақамли дунё талаб қиладиган янги кўникмаларни ривожлантиришга ортиб бораётган эҳтиёжнинг шаклланиши.




**1 - расм. Инсон капиталини рақамли ривожлантиришнинг институтционал модели[6]**

2. Таълим тизими орқали рақамли кадрлар таъминотини шакллантирувчи драйверлар қуйидагиларни ўз ичига олади.

- Мамлакат таълим тизимини "ҳаёт давомида таълим олиш" парадигмасига кенг кўламли тарнсформациялаш - таълим траекторияларининг мослашувчанлигини назарда тутадиган умрбод таълим олишни қўллаб-қувватлаш;

- таълим дастурларининг долзарблиги ва аҳамиятини таъминлаш ҳамда таълим тизимини рақамли иқтисодиёт талабларига мослаштириш вақтини қисқартириш мақсадида таълим муассасалари ва бизнес ҳамжамиятининг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш;

- рақамли таълим платформаларини такомиллаштириш орқали касбий ривожланишни таъминлаш.

3. Инсон капиталини шакллантириш ва рақамли ривожлантириш учун қулай ижтимоий муҳитни яратувчи драйверлар:

- тармоқ жамиятини ривожлантириш ва сунъий интеллект асосида қарорлар қабул қилишни кенгайтириш;

- жамиятда ҳамкорликда ишлаш ва рақамли иқтисодиёт атрибутлари муҳим ҳисобланган коворкинг, кошейринг (билимларни ўзаро баҳам кўриш) каби ҳамкорликни ташкил этишнинг янги шаклларини ривожлантириш;

- таълим эҳтиёжлари таркибини ўзгартириш, чунки рақамлаштириш ўртача умр кўришни оширишга ёрдам беради, бу эса ўсиб бораётган "ҳаёт давомида таълим олиувчилар" гуруҳига янги ёндашувларни талаб қилади;

- таълим, соғлиқни сақлаш, дизайн, кўнгилочар ва бошқаларда инсонга йўналтирилган шахсийлаштирилган хизматларни ривожлантириш.

Ушбу модел рақамли иқтисодиётнинг янги драйверлари орқали инсон капиталининг энг муҳим услубий тамойилларини очиб беришга, меҳнат бозорининг барча субъектлари манфаатлари мувозанатини таъминлашга ва корхоналарнинг инсон капиталини рақамли ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияларини белгилашга имкон беради.

Инсон капиталини рақамли ривожлантиришнинг ушбу драйверлари истиқболда самарали ишлаши учун инсон капиталини ривожлантириш ва инвестициялашнинг барча субъектлари, хусусан, таълим ва соғлиқни сақлаш тизими, корхоналар ҳамда давлатга мақсадли равишда тизимли таъсир кўрсатиши зарур.

Шунингдек, бу таклиф этилаётган модел таълим инфратузилмасини ислоҳ қилиш, амалий тадқиқотлар ва рақамли тадбиркорликни молиялаштириш, уларни рақамли воқеликка мувофиқлаштириш бўйича давлат меъёрларини белгилаш нуқтаи назаридан рақамли иқтисодиётни таркибий ўзгартиришлар йўналишида давлатнинг стратегик бошқарувида янги векторларни аниқлаш имконини беради.

**Хулоса.** Умуман олганда рақамли иқтисодиёт ва сунъий интеллект драйверлари орқали инсон капиталини рақамли ривожлантиршнинг юқорида келтирилган институционал модели инсон капиталини рақамли муҳит шароитидаги энг муҳим услубий тамойилларини очиб беради, меҳнат бозорининг барча субъектлари манфаатлари мувозанатини таъминлайди ва инсон ресурсларини бошқаришнинг узоқ муддатли стратегияларини белгилашага асос бўлади.

Рақамли иқтисодиёт учун зарур бўлган инсон капитали нафақат рақамли компетенцияни талаб қилади балки, функционал саводхонлик, танқидий фикрлаш, ижодкорлик, ўқиш ва таҳлил қилиш каби юмшоқ кўникмаларни ривожлантиришни ҳам талаб қилади. Юқорида муҳокама қилинган назрий ва концептуал қарашлар асосида инон капиталини рақамли рвиожлантириш учун зарур бўлган "Рақамли таълим" кенг кўламли лойиҳасини амалга ошириш мқсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Таклиф этилаётган лойиҳа учта асосий йўналишда амалга ошириш тавсия этилади, яъни:

*Биринчидан.* Асосий рақамли компетенцияларни ривожлантириш. Барча фуқароларга қаратилган. Бундай дастурларнинг мазмунига қуйидагилар киради: кундалик ҳаёт учун зарур бўлган "IT" воситаларидан фойдаланиш, рақамли муҳитда йўналтириш, оддий "IT" маҳсулотларини яратиш.

*Иккинчидан.* Ихтисослашган "IT" - ходимларни тайёрлаш. Бозор талабидан келиб чиқиб, "IT" соҳасини чуқур биладиган 1,0 млн нафар юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш режалаштирилган.

*Учинчидан.* Бошқа соҳалар ходимларини “IT” компетенцияси билан уйғунлаштириб ўқитиш. Шу билан бирга, барча йўналишлар талабалари ўз мутахассислиги билан бирга “IT” компетенцияларидан фойдаланиш даражасида ўқитилиши лозим.

Масалан, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда таҳсил олаётганлар ушбу рақамли компетенцияни ўзлаштириб, фанлараро мутахассис бўлиб етишади. Ушбу лойиҳа натижасида “IT” соҳасида чуқур билимга эга янги мутахассислар етишиб чиқилади. Умуман олганда, таклиф этилаётган чора-тадбирлар инсон капиталини рақамли ривожлантириш ва рақамли иқтисодиёт учун янги кадрлар тайёрлаш имконини беради.

Инсон капиталини рақамли ривожлантириш фақатгина вазирлик, идора ёки таълим муассасаларининг масъулиятигина бўлиб қолмасдан балки кичик бизнесдан бошлаб иқтисодиётнинг барча тармоқларини ҳисобга олувчи ва бир-бирини тўлдирувчи яхлит институционал муҳит таъсирида амалга оширилиши лозим бўлади. Бу эса мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг асосий устувор йўналиши бўлиши керак.

**Адабиётлар/Литература/References:**

1. Жаҳон банки 2022 йил ҳисоботи. (World Bank Report 2022)
2. Абдурахманов К.Х. Трансформация рынка труда в условиях внедрения искусственного интеллекта. экономика труда. Том 10, Номер 2, Февраль 2023. Russian Journal of Labor Economics ISSN 2410-1613
3. Абдурахманов К.Х. Искуственный интеллект – основа устойчивого развития экономике. – Москва: ФГБОУ ВО “РЕУ им. Г.В.Плеханова”, 2023, - 356 с.
4. Е.Ширинкина. Теория и методология управления человеческим капиталом предприятий в условиях развития цифровой экономики. Диссертация. Екатеринбург-2021.
5. Кельчевская, Н. Р., Ширинкина, Е. В. Влияние цифровых технологий отраслей промышленности на потенциальный экономический эффект / Н. Р. Кельчевская, Е. В. Ширинкина // Мир экономики и управления. – 2019. – Т. 19. – № 2. – С. 19–30.; 284.
6. Абдурахманов К.Х. Искуственный интеллект – основа устойчивого развития экономике. – Москва: ФГБОУ ВО “РЕУ им. Г.В.Плеханова”, 2023, - 356 с.

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SP1342V3SI4Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

*№ S/4 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).